

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАИМОВА НИЛУФАР АБДУЛЛАЕВНА

**ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ ПОЭТИК ТИЗИМИ
(банд, вазн ва қофия мисолида)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Раимова Нилуфар Абдуллаевна «Хоразм дostonларининг поэтик тизими (банд, вазн ва қофия мисолида)».....	3
Раимова Нилуфар Абдуллаевна «Поэтическая система Хорезмских дастанов (на основе строфики, метрики и рифмы)».....	27
Raimova Nilufar Abdullayevna “The poetic system of the Khorezm dastans (on the example of stanza, metric and rhyme)”.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	55

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАИМОВА НИЛУФАР АБДУЛЛАЕВНА

**ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ ПОЭТИК ТИЗИМИ
(банд, вазн ва қофия мисолида)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Fil803 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарбой Рўзимбоев

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жоппар Эшонқулов

филология фанлари доктори

Санъат Сариев

филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.М.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, академик

Л.Худайқулова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида халқ эпосининг миллий ўзига хослигини белгиловчи анъанавий эпик услуб, ижрочи бадиий маҳорати, матн лингвопоэтикаси ва образлиликнинг семантик-стилистик асосларини ойдинлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида халқ эпосининг поэтик тузилиши фольклор асарлари бадиий структурасини ташкил этувчи асосий компонентлардан бири эканлиги исботланди. Эпосшуносликдаги бундай янги назарий концепциялар туркий халқлар бадиий тафаккури тараққиётига катта таъсир кўрсатган ўзбек дostonчилиги анъаналари ўзининг эпик доирасининг кенглиги, образлар тизимининг салмоқдорлиги ва ғоявий-бадиий жиҳатдан мукамаллиги билан жаҳон халқлари эпик ижодиёти контекстида муносиб ўрин эгаллашини исботлаш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Дунё фольклоршунослигида синтактик параллелизм ва бадиий тасвир воситалари билан бир қаторда шеърӣ банд, вазн ва қофия ҳам эпос бадииятини шакллантирувчи муҳим узвлар сифатида асосланган. Аждодларимизнинг кўп асрлик эпик ижодиёти анъаналарини ўзида ифода этган эпик асарларнинг шеър тузилишини ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигининг энг илғор назарий концепциялари асосида тадқиқ этиб, бахшилар поэтик маҳорати туфайли яратилган дostonларнинг халқимиз бадиий тафаккури ривожидан тутган ўрнини кўрсатиб бериш бугунги ўзбек эпосшунослигининг долзарб вазифалари сирасига киради.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил одимлаётган мамлакатимизда миллий қадриятлар моҳиятини янада теранроқ англаш асосида баркамол авлодни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ривожлантириш, жумладан, халқ дostonларида ўз ифодасини топган эзгу ғояларни ҳаётга кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки маънавиятимиз дурдоналаридан бири бўлган ушбу бебаҳо бадиий мерос фольклоршунослигимизда кўплаб тадқиқотларга манба бўлиши билан бир қаторда, халқимиз маънавий-маданий камолотининг асосий таянчларидан бири ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «ижтимоий соҳани, жумладан, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги»¹ таъкидланган. Эпик тафаккурнинг тадрижий ривожидан асосида юзага келган халқ дostonларини ўрганиш асосида шу кунга қадар анча салмоқли тадқиқотлар яратилган бўлса-да, унинг шеър тузилиши ва анъанавий эпик шеърӣнинг назарий асослари масаласи ҳалигача жиддий тадқиқ этилган эмас. Айниқса, ўзига хос қадимий эпик анъаналари билан ўзбек фольклоридан алоҳида йўналишни ташкил этадиган Хоразм дostonларининг шеър тузилишига хос хусусиятларни ёритиб бериш орқали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 8 февраль.

бу ҳудудда яратилган дostonларнинг поэтик структурасини умумўзбек эпик шеърятини билан қиёсий таҳлил қилиш эпосшунослик назарияси учун муҳим илмий ҳулосалар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонлари; 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1292-сон, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон, 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4320-сон қарорлари, шунингдек 2018 йил 26 апрелдаги «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-304-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида шеър тузилиши назарияси, унинг миллий ўзига хослиги ва типологияси масалалари М.Штокмар, Ж.Бейли, М.М.Жирмунский, В.О.Холшевников, В.А.Котеля, К.Ф.Тарановсий, Б.Б.Ефименкова, М.И.Шапир, В.Л.Цвинария, А.М.Хамгашалов, В.И.Золхоев каби олимлар томонидан ўрганилган.²

² Штокмар М. Исследования в области русского народного стихосложения. – М., 1992; Бейли Ж. Избранные статьи по русскому народному стиху. Перевод с английского под общей редакцией М.Л.Гаспарова. – М., 2001; Жирмунский В.М. Теория стиха. – Л.: Наука, 1975; Холшевников В.Е. Основы стиховедения. Русское стихосложение. – СПб., 1996. – 182 с.; Котеля В.А. Ритмика и стихосложение песенного фольклора: Проблемы методологии исследования в структурно-типологическом направлении. – Белгород, 2016. – 24 с.; Тарановсий К.Ф. О поэзии и поэтике. – М., 2000; Ефименкова Б.Б. Ритмика русских традиционных песен. – М.: МГК, 1993. – 154 с.; Шапир М.И. Теория русского стиха: Итоги и перспективы изучения // Литературоведение на пороге XXI века. Материалы международной научной конференции. МГУ. Май 1997. М., 1998. – С. 235 – 241; Цвинария В.Л. Абхазское стихосложение. Метрика. Ритмика. Композиция. – Сухуми: Алашара, 1987. – 352 с.; Хамгашалов А.М. Опыт исследования бурят-монгольского стихосложения.

Ўзбек халқ дostonчилиги анъаналари, таснифи ва бадиияти масалалари анча муфассал ўрганилган бўлиб, эпосшунослик фольклористик тадқиқотлар доирасидаги энг йирик йўналишлардан бирини ташкил этади. Ҳ.Т.Зарифов, В.М.Жирмунский, М.Саидов, Т.Мирзаев, М.Афзалов, Б.Саримсоқов, С.Рўзимбоев, Т.Ғозибоев, И.Т.Ёрматов, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, С.Мирзаева ва бошқа фольклоршуносларнинг тадқиқотларида ўзбек халқ эпосининг назарий масалалари қаторида унинг шеърий тизими ва бадииятига доир ҳам айрим мулоҳазалар баён этилган³.

Диссертация ишимизга объект бўлган Хоразм дostonларини тўплаш ва илмий ўрганиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилган. Хоразм дostonларининг ўзига хос хусусиятлари, воҳа бахшилари эпик репертуарининг таркиби, бахшиларнинг бадиий маҳорати масаласи С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев, О.Мадаев, С.Сариев сингари олимлар томонидан ўрганилган.⁴ Шунингдек, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Хурлиқо ва Ҳамро» дostonларининг вариантлари ва версиялари, “Ошиқ” туркуми дostonлари, Хоразм “Гўрўғли” дostonлари версиясининг қўлёзма нусхалари, воҳада кенг оммалашган эртак тип сюжетли эпос намуналари ҳамда халфалар репертуаридаги дostonлар махсус тадқиқ этилди.⁵

Ўзбек халқ эпик шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари ва поэтик табиати масаласи адабиётшунослик ва фольклоршуносликнинг нисбатан кам ўрганилган соҳаларидан саналади. Туркий халқлар фольклоршунослигида

– Улан-Удэ, 1940. – 114 с.; 4. Золхоев В.И. Средства ритмической организации бурято-монгольского стиха. – Л., 1957. – 178 с.

³ **Қаранг:** Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947; Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадиий маҳорат масалалари. – Тошкент: Фан, 1969; Мирзаев Т. “Алпомиш” дostonинг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1969; Ўша муаллиф. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979; Ўша муаллиф. Эпос и сказитель. – Тошкент: Фан, 2008; Афзалов М. Муҳаммадқул Жонмурод ўғли – Пўлкан. – Тошкент: Фан, 1955; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978; Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1985; Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. – Урганч: Университет, 2008; Ғозибоев Т. Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Фан, 1968; Ёрматов М.Т. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси бадиияти. – Тошкент: Фан, 1994; Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011; Шу муаллиф. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012; Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши: Насаф, 1997, 172 б. Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004.

⁴ Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1985; Абдуллаев Ҳ. Халқ дostonлари ва уларнинг вариантлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 123 б.; Яна ўша. Ўзбек ва қорақалпоқ халқ дostonларининг ўзаро алоқалари ва типологик хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент: 1988. – 303 б.; Мадаев О. Хоразм дostonларининг баъзи хусусиятлари // Ҳаёт ва адабиёт. ТошДУ илмий асарлари. – Тошкент, 1968. – №331-сон; Яна ўша. Хоразм дostonларининг шеърий техникасига доир // Ўзбек филологияси масалалари. ТошДУ илмий асарлари. – Тошкент, 1971. №395-сон; Яна ўша. Хорезмские дастаны и их специфические особенности: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971; Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг қўлёзма нусхалари. – Тошкент: Мухаррир, 2012. – 152 б.

⁵ Эшчонова Г. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг вариантлари. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 25 б.; Деванова И. «Хурлиқо ва Ҳамро» дostonи вариантларининг қиёсий таҳлили ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Рўзимбоев С. «Ошиқ» туркуми дostonларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари (ўқув қўлланма). – Тошкент, 1987; Собирова Н. Хоразм «ошиқ» туркуми дostonлари сюжети, етакчи мотивлари ва образлар тизимининг мифологик асослари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Сариев С. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг қўлёзма вариантлари: Филол. фанлари номзоди .. дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Эгамбердиева Г.М. Эртак тип сюжетли Хоразм дostonларининг ўзига хос хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003; Оллоберганова С. Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридидаги ўрни: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

эпик шеър ва эпик поэзия муаммоси хусусида В.М.Жирмунский, М.Ҳамраев, Х.Усманов, М.А.Унгицкая, Г.М.Васильев, С.М.Каташев, К.Рисалиев, М.Х.Бакиров асарларида⁶ жиддий илмий-назарий қарашлар илгари сурилган. Кейинги йилларда З.Ахметов, В.К.Шаповалов, Е.А.Игнатъева, А.Тиливалди, Г.М.Нураҳунова каби олимларнинг туркий халқлар фольклори, жумладан, дostonларнинг шеър тузилишига доир янги тадқиқотлари⁷ юзага келди.

Ўзбек фольклори асарларида вазн, қофия ва шеър тузилишининг айрим масалалари М.Саидов, Ф.Райҳонов, Н.Қосимов ишларида таҳлилга тортилган.⁸ Бундан ташқари, ўзбек фольклоршунослиги ихтисослиги бўйича эпик шеър тузилиши ва синкретизми масалаларига бағишланган номзодлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинган⁹. Ўзбек адабиётшунослигида эса эпик шеърнинг ўзига хос хусусиятлари ва тадрижий ривож билан боғлиқ баъзи масалалар У.Тўйчиев, Х.Расуллар томонидан тадқиқ этилган.¹⁰

Юқоридаги қисқача таҳлилдан ҳам кўриниб турибдики, Хоразм дostonларининг эпик шеър тузилиши, яъни банд, вазн ва қофия масалалари ҳозирга қадар махсус тадқиқ этилган эмас. Бизнинг ишимиз бу борада дастлабки тадқиқотлардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университети «Ўзбек адабиёти» кафедрасида “Хоразм адабий муҳити ва фольклорини тадқиқ қилиш” мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режаларининг таркибий қисми саналади.

⁶ Жирмунский В.М. Ритмико-синтактический параллелизм как основа древнетюркского народного стиха // Вопросы языкознания. – М., 1964. – №4. – С.3-24; Шу муаллиф. О некоторых проблемах теории тюркского народного стиха // Вопросы языкознания. – М., 1968. – №1. – С.23-42; Шу муаллиф. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С.615-628; Ҳамраев М. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата, 1963; Усманов Х. Древние истоки тюркского стиха. – Казань, 1984. – 149 с.; Унгицкая М.А. Хакасское стихосложение: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1952; Васильев Г.М. Якутское стихосложение. – Якутск, 1965; Каташев С.М. Основы алтайского стихосложения: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 1972; Рысалиев К. Киргизское стихосложение. – Фрунзе: Ылым, 1965. – С.103-104; Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Казань, 1972.

⁷ Ахметов З.А. Стих «Манаса» и казахский эпический стих “жыр” // Эпос “Манас” как историко-этнографический источник. Тезисы международного научного симпозиума, посвященного 1000-летию эпоса “Манас”. – Бишкек, 1995. – С.81-83; Шу муаллиф. Основы теории казахского стиха. – Алматы, 2002 – 253 с.; Шаповалов В.К. К проблеме типологического исследования киргизского стиха на современном этапе. – Бишкек, 2001 – 130 с.; Игнатъева Е.А. Формирование и развитие жанров чувашской эпической поэзии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Чебоксары, 2003; Тиливалди А. Древнетюркский книжный стих. – Алматы, 2005. – 285 с.; Нураҳунова Г.М. К типологии системы стихосложения в тюркской поэзии // Успехи современного естествознания. – Астана, 2015. – № 1-7. – С.1239-1242.

⁸ Саидов М. Халқ дostonларида вазн масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1959. – 3-сон. – Б.36-44; Райҳонов Ф. Шоир дostonларида қофиянинг айрим хусусиятларига доир // Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.120-126; Шу муаллиф. Халқ ижодида ритм ва қофия // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – 1-сон. – Б.72-74; Қосимов Н. Халқ лирик кўшиқларида вазн ва қофия уйғунлиги // Маънавий баркамоллик ижтимоий тараққиёт омили. – Тошкент, 2001. – Б.151-161.

⁹ Раҳмонов Б.М. Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 1998; Эгамқулов Б.А. Эпик шеър ва эпик синкретизм: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994.

¹⁰ Тўйчиев У. Ўзбек шеър тузилиши // Адабиёт назарияси. II том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.337-397; Расулов Х. Ўзбек эпик шеърларида халқчиллик. – Тошкент: Фан, 1973.

Тадқиқотнинг мақсади. Хоразм дostonларидаги эпик шеърнинг ўзига хос хусусиятлари ва таракқиёт қонуниятларини ойдинлаштириш, эпик матн бадииятини қиёсий таҳлил қилиш ва воҳа эпик ижодиётига хос бўлган шеъринг парчаларнинг халқ дostonлари композицион қурилишидаги бадиий ўрнини ёритиш диссертация ишининг асосий мақсадини ташкил этади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эпик шеър тузилишининг ўрганилиш тарихи ва назарий асосларини ёритиш;

Хоразм дostonларининг поэтик структурасини ташкил этувчи бадиий-эстетик компонентларни аниқлаш ва уларнинг функционал-семантик хусусиятларини ойдинлаштириш;

Хоразм дostonларида эпик шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

дostonлар матнида қўлланилган шеъринг парчаларнинг вазн ва банд тузилишидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;

эпик матндаги вазн ва банд масалаларининг воҳа дostonчилигига хос бўлган тамойилларни ёритиш;

халқ дostonларининг эпик матнида аруз вазнидаги шеъринг парчаларнинг тутган ўрнини аниқлаш;

қофия ва радифнинг шеъринг парчалардаги ўзига хос талқинини тадқиқ этиш.

Хоразм дostonларига хос шеър тузилишининг поэтик табиатини қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм воҳаси бахши ва халфаларидан ёзиб олинган халқ дostonлари, жумладан, Хоразм дostonларининг «Ошиқнома» силсиласида чоп этилган етти жилди (2006-2018 йиллар), “Тўрўғли” туркуми дostonлари Хоразм версиясининг 2003 йилги нашри, Ожиза, Анаш халфа эпик репертуаридан ёзиб олинган материаллар, шунингдек, Хоразм “Тўрўғли” дostonининг ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги №9590-рақамли қўлёзмаси танланди. Хоразм дostonлари шеър тузилишининг ўзига хослигини кўрсатиш мақсадида Эргаш Жуманбулбул ўғли меросининг “Булбул тароналари” номи билан чоп этилган беш жилдидан (1971-1973 йиллар) қиёсий манба сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини халқ дostonларининг шеър тузилиши, банд, вазн ва қофиянинг бадиий матн поэтик структурасини шакллантиришдаги ўрни ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал, этнофольклористик ҳамда матний таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек фольклоршунослигида илк бор Хоразм дostonларининг банд тузилиши икки, тўрт, беш, олти, ўн ва ўн икки мисрадан ташкил топишига кўра Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари дostonчилик ижодиётидан кескин

фарқланиши исботланган;

Хоразм дostonларида бошқа худуд фольклори ва ўзбек мумтоз адабиётда учрамайдиган ҳар бир банди 12 мисрадан ташкил топган 6 бандлик ва биринчи банди 12 мисра, кейинги бандлари эса 10 мисрадан ташкил топган олти бандлик шеърий парчаларнинг мавжудлиги мазкур янги шеърий тизим хоразмлик бахшиларнинг ижодий новаторлиги маҳсули эканлиги илмий асосланган;

эпик жараённинг тадрижий тараққиёти давомида «ошиқ» туркуми дostonларининг матни нисбатан турғун ритмик тизим ҳолига келиб қолганлиги сабабли уларда аллитерация, анафора ва сажъ каби архаик эпосга хос элементлар камайиб, қофиявий жипсликнинг кучайиши ҳолати кузатилиши далилланган;

Хоразм дostonларининг саводхон котиблар томонидан кўчирилган кўлёзма нусхаларининг композицион қурилишида мумтоз адабиётга хос бўлган мухаммас, мусаддас, ғазал, маснавий, мураббаъ, туюқ сингари лирик жанрларга мансуб шеърий парчалар эпик матн таркибида устуворлик касб этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Хоразм дostonлари ўзбек миллий эпосининг салмоқдор шохобчасини ташкил этиб, ўзига хос композицияси ва образлар тизимига, ижро услуби ва бошқа регионлардаги дostonларга ўхшамаган шеър тузилишига эгаллиги кўрсатилган;

дostonларнинг халқ орасида бахшилар ижросида оғзаки, қиссахонлар ва халфалар репертуарида ёзма нусхаларга асосланган матн ҳолида оммалашганлиги эпоснинг шеър тузилишига жиддий таъсирини ўтказганлиги асосланган;

Хоразм дostonлари эпик матни таркибида ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий, мураббаъ, туюқ каби шеърий парчаларнинг пайдо бўлиши дostonчилик анъаналарига ёзма адабиётнинг таъсири билан боғлиқлиги исботланган;

Хоразм дostonларида аруз вазнининг рамал, ражаз баҳрлари кўп учраши шеърий парчаларнинг мукамаллиги ва мусиқавийлик касб этишини таъминлаганлиги ойдинлаштирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал, этнофольклористик ҳамда матний таҳлил каби усуллар билан асослангани, Хоразм халқ дostonларининг шеърий тузилиши, банд, вазн ва қофия тизимининг ўзига хослиги ва бадииятини изоҳлашда ҳозирги замон жаҳон, туркий ва ўзбек фольклоршунослигига оид ишончли манбаларга таянилган ҳолда таҳлил этилгани ҳамда асосли хулосалар чиқарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Хоразм дostonларининг шеър тузилиши масаласини илмий жиҳатдан ёритиш,

уларнинг локал хусусиятларини аниқлаш ва воҳада дostonларнинг ёзувга кўчирилиши асносида улардаги шеърий матннинг мукамаллашиш тенденцияларини белгилашга асос бўлади. Ёзма адабиётга хос лирик жанрга оид парчаларнинг дoston структурасидан жой олиши тамойилларини таҳлил этиш, уларга аруз вазнининг самарали таъсирини очиб бериш доирасида чиқарилган хулосалар ўзбек фольклоршунослигига оид назарий тадқиқотлар яратишда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Диссертациянинг асосий амалий хулосалари ва натижаларидан олий ўқув юртларида «Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти», «Ўзбек адабиёти тарихи» фанлари бўйича олиб бориладиган дарс машғулотларида, шунингдек, магистратура босқичида халқ дostonлари поэтикаси бўйича махсус курс ҳамда семинарлар ўтишда, турли босқичдаги таълим тизимида дарс машғулотлари олиб боришда, ўқув дастури, дарслик, ўқув қўлланмаси, маъруза матнлари тайёрлашда, магистрлик диссертациялари, битирув-малакавий ва курс ишлари ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм дostonлари шеър тузилишининг ўзига хос локал хусусиятларини умумўзбек эпосининг поэтик хоссалари контекстида қиёсий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида олинган илмий натижалар асосида:

халқ дostonларидаги эпик шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ва шеърий парчаларнинг банд тузилишига доир илмий-назарий хулосаларидан ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012 – 2016) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 22 ноябрдаги 17-01/173-сон маълумотномаси). Натижада Оролбўйи минтақаси халқлари фольклори ва ёзма адабиёти, жумладан, қорақалпоқ халқ оғзаки бадиий ижоди ҳамда мумтоз лирикасидаги шеърий шаклларнинг банд тузилиши ўзига хос миллий хусусиятларга эгаллигини далиллашга эришилган;

эпик шеър тузилишининг тарихий асосларини ёритишга доир таҳлилий материаллари, жумладан, қадимги туркий обидалардаги шеърий парчаларнинг вазн ва банд қурилишининг поэтик эволюциясига оид назарий умумлашмалари ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги тарихини тадқиқ этиш (2012 – 2016) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 22 ноябрдаги 17-01/173-сон маълумотномаси). Натижада халқ дostonлари матнидаги шеърий парчаларнинг вазн ва банд тузилишидаги анъанавий шакллар қадимги туркий шеъриятдаги ритмик тизимнинг тадрижий ривожига ва бадиий такомилли маҳсули эканлиги исботланган;

“ошиқ” туркуми дostonлари бадиий структурасида эпик шеър

шакллариининг поэтик ўрни ва ўзига хос бадиий талқинларига доир илмий-таҳлилий қарашлари Хоразм телерадиоканалининг “Баркамол авлод”, “Таълим ва ҳаёт”, “Тилимизни ўрганамиз” каби телекўрсатув ва радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 20 ноябрдаги 1631-сон маълумотномаси). Натижада халқимиз бадиий тафаккурининг кўп асрлик тадрижий ривожини натижасида яратилган фольклор асарларида ўз ифодасини топган эзгу ғояларни кенг кўламда тарғиб этиш орқали ёш авлодни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш тамойиллари такомиллаштирилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 151 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг дастлабки боби “**Хоразм дostonлари шеър тузилишининг ўзига хос табиати**” деб номланади. Ушбу бобнинг илк фасли “**Эпик шеър тузилишининг ўрганилиши тарихи**”га бағишланган.

Туркий халқлар эпик шеър тузилиши масаласи ҳамиша адабиётшунос ва фольклоршунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу борада кўплаб мақолалар, монографик тадқиқотлар яратилган¹¹. Бу тадқиқотлар

¹¹ Қаранг: Хамраев М.К. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата: Ёғлим, 1963; Ахметов З.А. Казахское стихосложение. – Алма-Ата, 1964; Мақсетов К.М. Поэтика каракалпакского героического эпоса: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Нукус, 1966; Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 1972; Рисалиев К. Киргиз ирларининг тузулушу. – Фрунзе, 1965; Курбатов Х.Р. Татарская лингвистическая стилистика и поэтика. – М.: Наука, 1978; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С.615-628.

орасида В.М.Жирмунскийнинг «Ритмик-синтактик параллелизм – қадимги туркий халқлар эпик шеърятининг асоси сифатида» деб номланган мақоласи алоҳида эътиборга эга.¹² Олим ушбу мақоласида агглютинатив тилларга хос аллитерациялар ҳақида сўз юритиб, ички аллитерация мисраларни, ташқи аллитерация бандларни бирлаштиришини таъкидлайди. Бундай ҳолат Хоразм дostonлари шеърятида ҳам кўзга ташланади.

В.М.Жирмунскийнинг туркий эпик шеърят ҳақидаги яна бир мақоласи «Туркий халқлар шеърятини назариясининг айрим муаммолари ҳақида»¹³ деб номланади. Олим ушбу тадқиқотида туркий эпик шеърятининг шакл ва бадиияти ўзига хос эканини, бунга мисол сифатида эпик дostonларда ўзаро турли тарзда қофияланиб, икки мисрадан ўн мисрагача бирлашиб, тирада (бирикма) ҳосил қиладиган парчаларни кўрсатиб ўтади.

Туркий халқлар поэзияси ҳақида баҳс юритувчи яна бир муҳим тадқиқот қорақалпоқ фольклоршуноси Қ.Максетов қаламига мансубдир. Олим «Қорақалпоқ қаҳрамонлик эпосининг поэтикаси» асарида туркий халқлар шеърятининг қадимий илдизлари, халқ қўшиқлари ва дoston таркибидаги шеърят ҳақида муҳим хулосаларга келади¹⁴.

Ўзбек фольклоршунослигида илк бора ўзбек халқ эпик шеърятини ҳақида маълумот берган тадқиқот В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобидир.¹⁵ Монографиянинг «Ўзбек эпосига умумий характеристика. Ғоя, образ, услуб» деб номланган учинчи бобида поэтика масалалари қаторида эпик шеър тузилишига доир хулосалар ҳам учрайди.

Халқ эпик шеърятининг ўзига хос жиҳатлари шоир ва олим М.Шайхзоданинг ишларида ҳам кўзга ташланади. Унинг «Алпомиш» дostonидаги баъзи бир поэтик хусусиятлар ҳақида» деб номланган мақоласи халқ эпик шеърятининг муҳим қирраларини очиб бериши билан катта илмий аҳамиятга эга.

Адабиётшунос У.Тўйчиевнинг «Шеършунослик методологиясига оид»¹⁶ номли мақоласида чуқур назарий масалалар таҳлил этилиб, шеърят қонун-қоидалари, уларнинг вазифалари, шеършунослик илмининг асосий моҳияти ёритиб берилади.¹⁷

Б.Саримсоқовнинг «Ўзбек адабиётида сажъ» китобида қадимги туркий ёдномалардан тортиб, халқ ижодиёти жанрлари ва XIX асргача бўлган ёзма адабиёт асарлари мисолида сажъ санъатининг ўрнини белгилаш жараёнида

¹² Жирмунский В.М. Ритмико-синтактический параллелизм как основа древнетюркского народного стиха. // Выросы языкознания. – Москва, 1964. – №4. – С.3-24 ва бошқалар.

¹³ Жирмунский В.М. О некоторых проблемах теории тюркского народного стиха // Вопросы языкознания. – М., 1968. – №1. – С.23-42.

¹⁴ Максетов Қ. Қарақалпақ қаҳарманлық дастанларинин поэтикасы. – Ташкент: Фан, 1965.

¹⁵ Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский с народный героический эпос. –М.: ГИХЛ, 1947, С. 520.

¹⁶ Тўйчиев У. Шеършунослик методологиясига оид // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – №4. – Б. 9-14.

¹⁷ Қаранг: Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. – Тошкент: Фан, 1966; Тўйчиев У. Система аруза в узбекской поэзии: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1987 ва бошқ.

шеърият ва унинг таракқиёти масалаларига ҳам кенг ўрин ажратилган¹⁸. Айниқса, ишда қадимги ёдномалардаги сажъ санъатини ёритиш доирасида ритм, такрор, ритмик синтактик параллелизмлар, уларнинг туркий ёдномаларга алоқаси масаласи анча мукамал очиб берилган ва илгариги тадқиқотчиларнинг айрим фикрларига эътирозлар ҳам билдирилган.

Холид Расулнинг «Ўзбек эпик шеъриятида халқчиллик» монографиясида ҳам эпик халқ шеъриятига оид айрим қайдлар учрайди. Тадқиқотчи «Булбул ва Гул», «Хусн ва Дил», «Баҳром ва Гуландом» ва бошқа қатор халқ китоблари сирасига кирувчи дostonларни таҳлил қилиш жараёнида халқ эпик шеъриятига оид айрим мулоҳазаларни баён қилади¹⁹.

Сўнгги йилларда халқ эпик шеърияти, унинг тузилиши, эволюцияси масалаларини махсус ўрганиш жараёни бошланди. Натижада Б.Эгамқуловнинг «Эпик шеър ва эпик синкретизм», Б.Раҳмоновнинг «Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши» каби номзодлик диссертациялари майдонга келди.

Б.Эгамқуловнинг тадқиқоти эпик шеър синкретизми доирасида бўлиб, унда шеъриятнинг шаклий компонентлари хусусида сўз юритилган.²⁰ Аллитерациялар, такрорлар, ички уйғунлик, қофия, унинг анафорик шаклдан ўсиб чиққанлиги, ритмик-синтактик параллелизмлар, урғу, тuroқ, изосиллабизм каби шаклий, композицион тизимлар ишнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Б.Раҳмоновнинг «Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши» мавзусидаги номзодлик диссертацияси шеърият синкретизмининг шаклий ва мафкуравий томонларини тўла қамраб олган.²¹

Диссертацияда шаклий ва мафкуравий синкретизмдан ташқари воқеабандлик масаласи, эпик клишелар, метрика (вазн), шеърларнинг қисқа ва узун шакллари, қофия эволюцияси, строфика ва астрофика каби кенг кўламли вазифаларни тадқиқ қилиш мақсад қилиб қўйилган ва ўша мақсад доирасида фикр юритилган.

Б.Раҳмонов «Ўзбек халқ эпик шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятлари»²² мақоласида ўзбек эпик шеъриятига хос хусусиятларга тўхталиб, уларнинг 7-8 ва 11 бўғинли бармоқ вазнида экани, банд тузилиши, қофия системаси алоҳидалик касб этишини таъкидлайди. Айрим ҳолатларда битта-яримта бўғиннинг кам ёки ортиқча бўлиши мусикавий ижро жараёнида сезилмай ўтиб кетиши мумкинлигини айтиб ўтади. Эпик шеъриятнинг яна бир хусусияти аруз вазнининг ўзига сингдирганлиги ва тuroқларга бўлиниш тамойилига эга эканлиги, деб белгилайди. Шунингдек, бандларнинг турлитуман шаклда бўлишини ҳам ўзига хос хусусият сифатида кўрсатиб ўтади. Тадқиқотчи “Халқ эпик шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари” номли мақоласида юқорида таъкидланган фикрларни янада конкретлаштиради.

¹⁸ Саримсақов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 88-91.

¹⁹ Расулев Х. Ўзбек эпик шеъриятида халқчиллик. – Тошкент: Фан, 1973.

²⁰ Эгамқулов Б.А. Эпик шеър ва эпик синкретизм, НДА, Самарканд, 1994, Б. 24

²¹ Раҳмонов Б.М. Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши НДА.. – Тошкент, 1998. – Б. 25

²² Раҳмонов Б. Ўзбек халқ эпик шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. – №3. – Б. 36-39.

Бобнинг иккинчи фасли “**Хоразм дostonларининг шеър тузилиши**” деб номланган бўлиб, унда бадий ижодда шеър бандлар генезиси ва шеър тузилишининг назарий асослари таҳлил қилинган.

Маълумки, айрим тадқиқотчилар бадий ижод ибтидосини насрга боғлаб, уларнинг илк кўринишини миф ва эртаклар, деб белгилайдилар²³. Баъзи тадқиқотларда эса поэзия бадий насрга нисбатан аввал келиб чиққан ва у адабий-бадий шакл, яъни сўз санъатининг ҳосиласи, дея баҳоланади. Шу тариқа, шеър санъат ибтидоси рақс ва мусиқа билан биргаликда инсониятнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ мифопоэтик қарашлар замирида келиб чиққан, деган қараш илгари сурилади.²⁴

Агарда манбаларга мурожаат этилса, мифларнинг пайдо бўлиши айрим тадқиқотларда урф-одатлар шакллангандан сўнгги даврларга тўғри келиши қайд қилинган²⁵. Бошқа бир тадқиқотларда эса мифларнинг пайдо бўлиши худоларнинг кашф қилиниши, илк диний қарашлар билан боғланади²⁶. Ҳолбуки, поэзия инсоният меҳнати билан боғланиб, рақс ва мусиқа билан узвий биргаликда пайдо бўлган экан, бу жараён мифларнинг туғилишидан анча илгари даврларга бориб тақалади.

Бадий ижод ибтидосини аниқлаш анча мураккаб масала, бироқ шу нарса аниқки, поэзия ҳиссиёт ва «дард» билан туғилади. У ритм, сўз санъати ва мусиқа билан узвий боғлиқдир. Ушбу жараён эса ибтидоий инсон меҳнат фаолиятининг энг олдинги даврлари билан чамбарчас алоқага эга.

Хоразм дostonлари эпик шеърятини ҳақида гапирганда, энг аввало, Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи икки дostonчилик анъанаси ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим. Чунки «ўзбек халқ дostonчилигида асосан икки анъана бир-биридан кескин ажралиб туради. Агар биз биринчи анъананинг марказини Самарқанд деб олсак, иккинчи анъана марказини Хоразм деб қараш керак бўлади»²⁷.

Хоразм дostonчилиги санъати профессионал ижрочиликнинг юксак чўққисидир²⁸. Мана шу ҳолат Хоразм дostonлари таркибидаги шеър қисмларнинг жиддий ўзгаришига сабабчи бўлган. Хоразм дostonларидаги вазн ва банд тузилишидаги тамойиллар ҳам ўзгача хусусиятга эга бўлиб, дostonлар шеърятининг яна бир белгиси сифатида гавдаланади.

Эпик шеърят тадқиқотчиси Б.Раҳмонов халқ эпик шеърига хос хусусиятлардан бири ҳар бир мисранинг мустақил фикр ташиши ва шу орқали воқеалар, руҳий ҳолатлар тасвири ҳамда ифодасида узвий давомийликни таъминлашида намоён бўлади, деб таъкидлайди²⁹. Бинобарин, Хоразм дostonларидаги шеърларда ҳар бир бандда фикр жамлана боради ва охириги бандда образнинг ички кечинмалари тўлалигича ўз ифодасига эга

²³ Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 6.

²⁴ Адабиёт назарияси. II томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 336.

²⁵ Мифы народов мира. Т.2. – М., 1997. – С.7.

²⁶ Паракдовский Ян. Мифология. – М.: Детская литература, 1971. – С.8.

²⁷ Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 16.

²⁸ Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Тошкент: Фан, 2008. – С.135.

²⁹ Раҳмонов Б. Халқ эпик шеърининг ўзига хос хусусиятлари. – Б.30.

бўлади. Шу сабабли битта банд тушиб қолса, воқеабандликка путур етади.

Агарда ҳар бир мисрада мустақил фикр ҳосил бўлса, банднинг рўёбга чиқиши мушкуллашади. Шу сабабли бандлардан бандларга томон ривожланиб бориб, охириги мисрада тугал фикр ҳосил бўлиши Хоразм достонлари шеърятининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Хоразм достонлари таркибидаги шеърий матнлар профессионал мусиқага тўла мослаштирилган. Ҳар бир шеърий парча ўзининг вазн тузилишига мос бўлган махсус мусиқа куйи жўрлигида ижро этилади.

Биринчи бобнинг учинчи фасли “**Хоразм достонларида қўлланилган шеърий шакллар**” деб аталган. Таҳлил натижасида Хоразм достонларида образлар фаолияти билан алоқадор вазиятларга мос ҳолда шеърий парчалар танланиши аниқланди. Достонларда ғазал, мухаммас кўпроқ, айрим жанрлар эса камроқ ишлатилади. Масалан, байт жуда кам ҳолларда қўлланилгани ҳолда ғазалларга кўпроқ эътибор қаратилади. Чунки ғазал парчалари мусиқавийлиги, севги-муҳаббатни тараннум этишдаги қулайлиги билан ажралиб туради.

Достонларда анча кам бўлса-да туюқ кўринишидаги шеърий шакллар ҳам учрайди. Унинг гўзал намуналари «Саёд ва Ҳамро» достонида берилган. Достондаги туюқ кўринишидаги шеърий сатрлар тузилиши жиҳатидан мумтоз адабиётдаги туюқлардан оз бўлса-да фарқ қилади. Бироқ туюқ жанрининг шеърий тизим талабларига тўла жавоб бера олади:

Ғунчанинг севдиги бу доғ дегилми?

Лоланинг севдиги бу доғ дегилми?

Синама чекилган бу доғ дегилми?

Лолани севарсан бу доғи олма³⁰.

Маълумки, мумтоз лирикада туюқ «а-а-б-а» шаклида қофиялашади. Бу ерда эса қофияланиш тартиби «а-а-а-б» тарзида мужассамлашганлиги кўзга ташланади.

Хоразм достонларидаги шеърий тизимларда қофияланишнинг турли шакллари учраши билан бирга уларнинг ўзаро бирикиши ва тугал маъно ҳосил қилиши жиҳатидан қитъа жанрига мос тушувчи хиллари учрайди. Бинобарин, Хоразм достонларида ишлатиладиган асосий шеърий матнлар мураббаъ кўринишида намоён бўлса-да, лозим ўринларда мумтоз адабиётнинг бошқа қатор жанрларига хос парчаларга ҳам мурожаат этилган. Шеърий парчалар қофияланиши, вазний мукамаллиги, муайян лирик жанр шеърий тизимини ўзида тўла гавдалантирганлиги билан алоҳида эътиборни тортади. Уларнинг барчаси аруз баҳрининг муайян бир вазнига тўғри келади. Бу эпик матннинг аксарияти «ярим куйлаш» билан алоқадор анъанага мосланган ҳолда қироатхон-қиссахонлар репертуари орқали яшаб келган бўлиб, оғзаки вариантларда уларнинг анча қисқа вазнли ва ҳажман мухтасар шакллардаги типлари куйланиб келган.

Ишда Хоразм достонлари шеърятига хос хусусиятларнинг бошқа

³⁰ Ошиқнома. Биринчи китоб. –Б.21.

достончилик мактаб намуналарига нисбатан жиддий фарқлари эга эканлиги аниқ мисоллар асосида тадқиқ қилинди. Хоразм достонлари ижросидаги юксак профессионализм ва концертлаштириш жараёни эпик шеъриятнинг мумтоз шаклга кириб, вазн уйғунлиги ва қофия жипслигига олиб келган ва улар тўла строфик асосга қурилганлиги, бадий матндаги шеърий парчаларда воқеа насрда, образларнинг ички кечинмалари назмда ифода этилиши, бундай достонлардаги эпик клише, стилистик формулалар, стереотип элементлар вазифавий жиҳатдан адекват бўлса-да, объект жиҳатидан ўзига хосликка эга эканлиги тадқиқ этилди. Хоразм достонларидаги шеърий парчаларнинг ҳар бири вазн мезонига қараб, махсус номга эга бўлган мусиқа куйи воситасида ижро этилиши, уларнинг XIX асрнинг бошлариданоқ ёзувга олиниши улардаги шеърий қисмга мумтоз шеърият техникасига оид қатор ўзгартиришларни олиб кирганлиги каби масалалар атрофлича ёритилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Хоразм достонларида вазн ва банд**” деб номланган бўлиб, унинг биринчи фаслида “**Достонларнинг шеърий қисмида бармоқ вазнининг тутган ўрни**” ҳақида сўз юритилади.

Хоразм достонлари таркибидаги шеърий парчаларнинг вазни бармоқ ва аруз тизимларига тўла мос келади. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, Хоразм достонлари таркибидаги шеърий матнга, умуман халқ кўшиқларининг шеърий тизимига разм солинса, уларнинг энг қадимги намуналарида ҳам ҳар иккала вазнга мос хусусиятлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бинобарин, Хоразм достонларида ҳам силлабик тизимга асосланган мисралар, қофияланиш тизими, бандларга бўлиниш ҳозиргидек шаклда бўлмаган. Бу фикрни айрим халқ кўшиқларидаги шеърий тузилиш тамойиллари тасдиқлайди.

Хоразм достонлари шеърий тизими илдизлари умумтуркий анъаналар доирасида бўлган. Бундай олиб қараганда, достонлар таркибидаги шеърий матн билан халқ шеърияти орасига катта тўсиқ қўймаслик керак. Негаки, эпик шеъриятнинг дастлабки илдизлари оддий ва примитив халқ поэзиясига бориб тақалади.

Хоразм достонларида 11 бўғинли вазнлар образларнинг батафсил монологларида, насихат ва йўл бўлсин айтишларида, тилак билдиришда, диалогларда кўпроқ қўлланилади. Бу вазн 7-8 бўғинли вазнлар билан тенг миқдорда ишлатилади. Унинг туроқланиш доираси 7-8 бўғинли вазнларникига қараганда камроқ. Бу вазннинг туроқланиши кўп ҳолларда $4+4+3=11$ тарзида қўлланилади. Достонлар таркибидаги шеърий қисмда илгари таъкидлаганимиз каби 11 бўғиндан юқори бўлган 14-15-16 бўғинли мисралар ҳам кўплаб учрайди. Бироқ, ушбу узун вазндаги шеърий тизим бармоқ вазнининг қонун-қоидаларидан анча четга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу матн бармоқ вазнига қараганда аруз вазнининг қонуниятларига кўпроқ мос келади. Ана шу сабабга кўра биз уларни аруз вазни тизимидаги қоидалар асосида кўриб чиқишни лозим топдик. Бироқ, Хоразм достонларидаги эпик матнда бармоқ вазнининг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Иккинчи бобнинг “Хоразм достонлари шеър тизимида аруз вазнининг иштироки” номли иккинчи фаслида аруз баҳрининг турли вазнларига мос келувчи парчалар ўзбек эпосида анчани ташкил этиши, хусусан, Хоразм достонларида бунинг кўлами кенглиги каби масалаларга эътибор қаратилди.

Хоразм халқ кўшиқларининг орасида аруз вазнига мос келувчи парчалар кўплаб учрашининг сабаби қиссахонлик анъанаси ва мумтоз адабий анъана таъсирида халқ достонларининг қўлёзма нусхалари юзага келиши билан боғлиқдир. Воҳа бахшилари эпик репертуаридаги достонлар XIX аср бошларидаёқ саводхон, мумтоз адабиёт билан яқиндан таниш бўлган бахшилар, мадраса таълимини олган котиблар томонидан ёзувга кўчирила бошланган. Ўша жараёнда достонлар шеърий тизимига аруз вазнига алоқадор сатрлар фаолроқ кириб кела бошлаган. Мисол учун, XIX асрда яшаб ижод қилган Матниёз қори – Ғарибниёз талантили бахши ва шоир бўлган. Унинг аруз вазнида ёзган айрим шеърлари бизгача етиб келган³¹. Ғарибниёз тоифасидаги бахшилар албатта битта-иккита бўлмаган. Уларнинг достон ижросини амалга оширишда шоирлиги ҳам кўл келган. XVII асрда Хоразмда яшаб ижод қилган шоир Нурмуҳаммад Андалибнинг ҳам Хоразм достончилиги ривожига қўшган хизматларини инкор қилиб бўлмайди.

Бинобарин, мадраса таълимини олган кўплаб бахши-шоирларнинг достонлар таркибида мумтоз адабиётга хос шеърий парчалардан фойдаланиши анъана тусини олган. Буни Эргаш Жуманбулбул каби саводхон бахши-шоирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Эргаш шоир репертуаридаги достонларда аруз вазнига алоқадор шеърий матн бошқа бахшилар куйлаган эпос намуналарига қараганда анча кўпроқдир.

Хоразм достонларидаги аруз вазнига оид шеърий парчалар мухаммас, ғазал, мусамман ва байт каби мумтоз адабиётдаги жанрлар билан бевосита боғлиқдир. Достонлардаги арузга оид шеърий парчалар матни асосан рамал, ҳазаж, ражаз баҳрларига тўғри келади. Айрим ҳоллардагина музореъ ва мужтасс баҳрларига мурожаат этилади.

Маълумки, аруздаги ҳазаж – кўшиқ, ражаз – куйбоп, рамал – елиш деган маъноларга эга. Шу жиҳатдан олганда улар достон куйларига жуда мос келади ва бизнинг назаримизда, айнан шу сабаб туфайли достонларда ана шу баҳрларга кўпроқ эътибор қаратилган. Бинобарин, Хоразм достонларидаги аруз вазнига хос шеърий матн эпик поэзия намуналарининг салмоқдор бир қисмини ташкил этади.

Маълумки, шеъриятдаги банд тузилиши масаласи эпик поэзиянинг энг муҳим компонентларидан биридир. Шунинг учун диссертациянинг иккинчи бобининг охириги фаслида “Хоразм достонлари шеъриятининг банд тузилиши” масалалари таҳлилга тортилган.

Банд тузилиши – строфика шеърнинг асосий ритмик бирлиги ҳисобланиб, композицион яхлитлиги ва семантик тугаллиги билан ажралиб

³¹ Рўзимбоев С. Хоразм достонларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 1990. – 340 б.

туради³². Соддароқ қилиб айтганда, банд, строфа тугал бир фикр ёки манзарани ифодалайдиган, алоҳида қофияланиш тартибига эга бўлган шеър бўлаклари³³. Халқ достонларининг асосий қисмини эгаллайдиган шеърлий парчалар ҳам бандлар асосида тузилади.

Мутахассислар банд ташкил топишида мазмун яхлитлиги етакчи аҳамиятга эга эканлигини урғулашади³⁴. Халқ шеърлигида банднинг шаклланиши анча мураккаб жараёни бошдан кечирган. Туркий шеърлий ибтидоси ҳақида тадқиқот олиб борган кўплаб шарқшунослар фикрига қараганда, бандларнинг шаклланишида икки мисралик такрор ва аллитерациялар асосий ролни ўйнаган. Жумладан, В.М.Жирмунский ҳам В.Радлов, Т.Ковальскийларнинг фикрларига қўшилган ҳолда халқ поэзияси дастлаб икки мисралик шаклда жипслашиб, кейинчалик тўрт мисралик бандлар юзага келганини таъкидлайди ва бу жараёнда ритмик – синтактик параллелизмларнинг роли катта эканлигини алоҳида қайд қилади³⁵.

Ўзбек шеършунос олими У.Тўйчиев татар олими Х.Усмоновнинг тадқиқотларидаги асосий хулосаларни қувватлагани ҳолда шуни таъкидлайдики, эмоционал такрор (сўз) аввал мақол, кўшиқ ва топишмоқларда пайдо бўлди. Такрорлар туфайли қаторлар ва мисралар ажрала бошлади. Бу мисралар аста-секин метрик бўлақларга бўлинди, улар матнда вертикал «устун»лар ҳосил қилди. Оқибатда банд шакллана бошлади. Мақол, кўшиқ ва топишмоқларда, эмоционал такрор таркибидан аллитерация туғилди: сўз такрори, аллитерация синтаксистик параллелизмнинг келиб чиқишига, улар эса банднинг пайдо бўлишига йўл очди. Ритмик-синтаксистик параллелизм содда бандларнинг тузилишига, уларнинг тўнғичи бўлган икки мисралик банднинг туғилишига сабабчидир³⁶.

Икки мисралик бандлар тўрт мисралик бандларнинг туғилишига замин ҳозирлаган. Бунинг асосий кўриниши табиат ҳодисаси билан алоқадор параллелизмларнинг ўзига мос ҳолда инсоний ҳаётдан танланган икки мисралик қаторларни қўшишдан ҳосил бўлган тўртликлардир. Бинобарин, улар кўшиқларнинг ўзига хос мукаддимаси бўлиб, фикрларни янада ривожлантиришга туртки бўлади³⁷. Кўшиқчига асарнинг навбатдаги мазмунига ўтишга ёрдамлашади³⁸.

Тўртлик мисраларининг юқоридаги қаторлари пастки сатрларда янада конкретлашади, лирик қаҳрамоннинг ҳақиқий мақсадини очиб беришида рамзий лавҳа ролини бажаради, муайян кайфиятни вужудга келтириб, умумий хусусиятлари билан кўшиқ мазмунига ишора қилади³⁹. Ушбу ҳолат

³² Мысль, вооруженная рифмами. – Л.: ЛГУ, 1983. – С. 27.

³³ Ҳотамов Н.Т. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. –Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 112.

³⁴ Раҳмонов Б. Кўрсатилган афтореферат. – Б. 23.

³⁵ Жирмунский В.М. Ритмико-синтаксический параллелизм как основа древнетюркского народного эпического стиха. – С.10.

³⁶ Тўйчиев У. Қадимги туркий шеър тузилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №1. – Б. 32.

³⁷ Максетов Қ. Қарақалпақ халқын қаҳраманлық, дастанлары поэтикасы. – Б. 184.

³⁸ Гордлевский В.А. Изб.соч. Т. II. – М.: Наука, 1961. – С.239.

³⁹ Лазутин С.Г. Русские народные песни. – М.: Просвещение, 1965. – С. 40.

эпик шеърятда ўзининг ўчмас изларини қолдирган.

Хоразм дostonларида муайян бандда бошланган вазн охирги бандгача ўзгаришга учрамайди, қофияланиш тартиби бир хилликни сақлайди. Демак, бир шеърини парча ичидаги воқеалар ҳам бандлараро ўзгариб бормайди. Уларда қанча банд бўлса, улар бир-бири билан мазмунан боғланишда давом этади. Шундай экан, ритмика ҳам, мусиқа ҳам ўз ҳолича давом этади.

Атоқли адабиётшунос олим Иззат Султон таъкидлаганидек, лирик асарларда банд йирик шеърини асарнинг мазмунини аста-секин, батафсил ва муттасил очиб беришга имкон туғдиради.⁴⁰ Ушбу билдирилган фикрлар Хоразм дostonлари шеърини тизимига ҳам мос келади. Хоразм дostonларида мухаммас шаклидаги беш қаторлик шеърини бандлар кўплаб учрайди. Мухаммас кўринишидаги парчалар уч банддан саккиз бандгача бўлган миқдорда қўлланилган. Уларда лирик қаҳрамоннинг ички рухий ҳолати батафсил баён этилади. Эпик ижодкорлар қаҳрамонлар ички кечинмаларини тасвирлашда узун, кўламдор шеърини парчаларга ҳам эҳтиёж сезганлар. Ошиқ-маъшуқаларнинг қалб туғёнларини улар орқали батафсил тасвирлашга эришганлар.

Бу тоифа шеърини парчаларни хотирада тутиш қийинлиги, мусиқа жўрлигида куйлаш жараёни кўп вақтни олиб, зерикиш туғдириши мумкинлиги каби омиллар уларнинг оғзаки вариантлардан тушиб қолишига сабабчи бўлган. Бинобарин, бундай шеърини шаклларнинг дostonларда учраши халқ даҳоси тафаккур қирраларининг ниҳоятда ранг-баранглигидан дарак беради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Хоразм дostonларида қофия ва радиф”** деб номланади. Унинг дастлабки фаслида **“Дostonлар шеърини тизимида қофия санъати”** таҳлил доирасига тортилади.

